

Илова №1
 № 052003 сон шартномасига
 «04» 01 2011 й.

№	Чикиндилар хосил бўладиган объектлар номи	Ўлчов бирлиги	Иш ҳажми	Изоҳ
1	Ижарадаги корхона ва ташкилотлар сони			
2	Ошхона, ресторан, кафе а) ўриндиқлар сони б) умумий майдони	м2		
3	Поликлиника, стоматология тиббиёт маркази (келувчилар сони)			
4	Ётоқхона, меҳмонхона, касалхона-санатория (жойлар сони)			
5	Кинотеатр (ўриндиқлар сони)			
6	Озик-овқат дўкони	м2		
7	Хўжалик моллари дўкони	м2		
8	Аралаш моллар дўкони	м2		
9	Олийгоҳ, коллеж, лицей, мактаб (ўқувчилар сони)			
10	Ишлаб чиқариш цехлари майдони	м2		
11	Компютерхона	м2		
12	Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари	м2		
13	Идора	м2		
14	Бошқа хизмат кўрсатиш корхоналари	м2		
15	Омборхоналар майдони	м2		
16	Ер кадастри бўйича умумий майдон	м2		
17	Шғат бўйича хизматчилар сони			
18	Берилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига кафолат берамиз			
	ЖАМИ:			

«Буюртмачи»

(имзо)

(И.И.Ш.)



**Контейнери бўлган корхона (ташкilot, муассасалар ва юридик шахс)лар учун
каттик маиший чиқиндиларни (Қ.М.Ч) ни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат
кўрсатиш**

ШАРТНОМАСИ № 052269

«01» 01 2011 й

г. Ташкент
(Шартнома тузилган жой)

Бундан буён матнда «Ижрочи» деб аталувчи корхона тўғрисидаги низом асосида фаолият олиб борувчи АТФ Шайхонтохур-Махсустранс автокорхонаси номидан раҳбар Шайхонтохур Ш. С бир томондан, ва бундан буён матнда «Буюртмачи» деб юритилувчи Зам дор. Крафт Ш. С номидан раҳбар Зам дор. Крафт Ш. С иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

1. Шартнома мазмуни

1.1. «Буюртмачи» топширади, «Ижрочи» эса Ш. Навои 55 манзилдан бир ойда 4 мартаба 28 дона (770 л., 1100 л., 20 м3) чиқинди сақлаш кутилардаги ҚМЧ (қаттик маиший чиқиндилар)ни ташиб чиқиб кетиш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади, «Буюртмачи» эса хизмат тўловларни тўлаб бориши шарт.

1.2. Қ.М.Ч.ларнинг умумий ҳажми бир ойга 8,32 м3, бир йилга 99,84 м3 ташкил этади.*

2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх хар бир м3 ҚМЧ учун 53,986 сум, ҚҚС (15%) билан 62,084,54 сум.*

2.2 Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси 81,98,520,45 сумни ташкил этади, шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 404039,41 сум,

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 5444483,04 сум.

2.3. Ҳар ойнинг 10 санасигача кейинги ойнинг режавий иш ҳажмига (бюджет ташкилотларида шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб олдиндан 100 фоиз миқдорида тўловларни амалга ошириш.

2.4. Ҳар ойнинг 10 санасигача ўтган ҳисобот ой учун кўрсатилган хизмат тўловларини «Ижрочи»нинг ҳисоб рақамига бажарилган иш далолатномаси асосида тўлик тўлаб бериш.

3. «Буюртмачи» мажбуриятлари

3.1. Қаттик маиший чиқиндиларни йиғилиш ҳажми ва олиб чиқиш муддатига биноан керакли бегараз фойдаланиш ва чиқиндиларни вақтинчалик сақлаш.

3.2. ҚМЧ ташланадиган кутиларни қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндилар, шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида бир мартабалик шартнома тузиш.

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилди.

3.3. Чикинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўллаш қурилмаларига автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш.

3.4. ҚМЧни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда _____ телефонига телефонограмма йўллаш орқали «Ижрочи»га маълумот бериш.

3.5. Бажарилган ишнинг ҳажмини «Ижрочи» нинг ҳужжатларида «Буюртмачи» вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш.

3.6. Хар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш ҳажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномасини расмийлаштириш.

4. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари

4.1. Алоҳида шартнома асосида «Ижрочи» «Буюртмачи»га чиқинди йиғиш қутиларни беғараз фойдаланиш учун топширилди.

4.2. «Буюртмачи» худудидан ҚМЧ ташланадиган махсус қутилардан махсус автомобилларда жадвал асосида чиқиндиларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.3. «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига ҳурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни, шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.

4.4. «Буюртмачи» томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида «Буюртмачи» худудидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

4.5. Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

5. Томонларнинг жавобгарликлари

5.1. «Ижрочи» томонидан ҚМЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда «Буюртмачи» _____ телефон орқали «Ижрочи»нинг вакилини далолатнома тузиш учун чақиртириши керак.

Агар «Ижрочи» ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, «Буюртмачи» жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

5.2. «Ижрочи» ўз вақтида ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар бир кун учун олиб чиқиб кетмаган ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,5% миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда «Буюртмачи»га пеня тўлайди.

5.3. «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%идан ошмаган миқдорда «Ижрочи»га пеня тўлайди.

5.4. Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда иктисодий суди томонидан ҳал қилинади.

6.2. Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда ҚМЧ ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

6.3. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган ҚМЧнинг ҳажми «Буюртмачи»нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки «Буюртмачи» «Ижрочи»нинг юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришдан бош торса, «Ижрочи» жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

7. Форс-мажор.

7.1. Форс-мажор ҳолати содир бўлганда томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар (корхонанинг тугатилиши, раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчиликлар кабилар форс-мажор ҳолатига кирмайди).

8. Қўшимча шартлар

8.1 «Ижрочи» хом-ашё, ёқилғи-мойлаш махсулотлари ва энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришга ҳақлидир ва у «Буюртмачи»ни бу тўғрида ёзма равишда огоҳлантиради.

9. Шартноманинг муддати

9.1. Ушбу шартноманинг муддати «01» 01 2022 йилдан «31» 12 2021 йилгача белгиланади. Бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномалар Газначилик бўлимида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва амал қилиш муддати «31» декабрь 20__ йилгача белгиланади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томонни бу ҳақида бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради, акс ҳолда шартнома шартлари ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

9.3. Томонлар шартнома муддати тугагандан сўнг ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилинганга қадар кучини йўқотмаган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар билан тузилган шартномалар бундан мустасно.

9.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси «Буюртмачи»да, иккинчи нусхаси «Ижрочи»да сақланади.

Тарафларнинг юридик манзилгоҳлари ва тўлов реквизитлари

«Ижрочи»

АТФ Шайхонтоҳур –Махсустрас
(етказиб берувчининг номи)

Манзил: 100142, Шайхантахур тумани,
Бекзод тор,4 Файзиёва кўчаси
Тел./: (71) 243-12-84, 243-12-19
Тел./факс _____
Х/р: 20210000500118948004
Банк номи: АТИБ Ипотека банк
Шайхонтоҳур филиали
МФО: 00425 ИНН: 200903001
ОКЭД: 39000

Раҳбар _____
(Ф.И.Ш.) _____

М.Ў.

О'ЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЙОШЛАРИ ТЕАТРИ
«Буюртмачи»
Г. ТАШКЕНТ УЛ. НАВОИ, 55

Л/С 100005000262777082600056004
(Газначилик бўлимида олувчининг номи)

Манзил: 200936292 ОКОНК 93611 ОКЭД 90010

КАЗНАЧЕЙСТВО МИН. ФИНА

ХККМ МАРКАЗ. БАНК БОШ БОШКАРМАСИ

Р/С 23402000300100001010

Газ. /
МФО 00014 ИНН 201122919

МФО _____
ИНН _____

О'ЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЙОШЛАРИ ТЕАТРИ

ш. /х/р/ ТАШКЕНТ УЛ. НАВОИ, 55

Л/С 400121860262777082600056002
(Газначилик бўлимида олувчининг номи)

Манзил: 200936292 ОКОНК 93611 ОКЭД 90010

КАЗНАЧЕЙСТВО МИН. ФИНА

ХККМ МАРКАЗ. БАНК БОШ БОШКАРМАСИ

Р/С 23402000300100001010

МФО 00014 ИНН 201122919

1. тегишли газна ҳисобварағи кўрсатилади.

2. тегишли бюджетдан маблағ олувчининг Газначилик бўлимида очилган шахсий ҳисобварағи (ёки шахсий ҳисобварақалари) кўрсатилади.

3. Бюджетдан маблағ олувчининг газначиликдаги бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварағи ёки банкдаги талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағи кўрсатилади.